Диссертант анализируя выполняемые высшими учебными заведениями Узбекистана проекты и программы, отмечает, что они направлены на развитие высшего образования в стране, совершенствование учебно-методического процесса с использованием передового зарубежного опыта, повышение квалификации профессорско-преподавательского состава, расширение студенческого обмена.

Особо следует подчеркнуть об активном участии вузов Узбекистана в образовательных программах Европейского Союза Темпус, Эразмус Мундус, с Японским и Корейским агентствами по международному сотрудничеству JICA и KOICA.

В четвёртой главе **«Совершенствование системы образования Республики Узбекистан на основе международно-правовых норм»** всесторонне изучены национальное законодательство в сфере образования и вопросы развития международного сотрудничества в сфере образования и опыт зарубежных стран в данном вопросе, а также перспективы совершенствования системы образования в Республики Узбекистан на основе международных стандартов.

В первом параграфе главы *«Национальное законодательство Республики Узбекистан по развитию международного сотрудничества в сфере образования и опыт зарубежных стран»* подробно рассмотрена национальная законодательная база в области образования, которая состоит из Конституции, Закона об образовании, Национальной программы по подготовке кадров и более ста законодательных и нормативно-правовых актов, а также международно-правовых документов Республики Узбекистан в области образования.

Международные документы Республики Узбекистан по вопросам образования достаточно многообразны. В число этих источников входят декларации, конвенции и иные акты, принятые ООН и его специализированными учреждениями, региональными организациями, в которых участвует Республики Узбекистан, а также двухсторонние договора Республики Узбекистан по вопросам образования.

Диссертантом отмечается, что обязательным предварительным условием любых существенных преобразований в системе образования является разработка и своевременное введение в действие соответствующей нормативно-правовой базы.

Исследователь считает, что модернизация и реформирование сферы образования происходит не только на Европейском континенте, но и во всех регионах мира, включая такие крупнейшие страны, как США и Китай. Общеизвестно, что феноменальное экономическое развитие Республики Корея, Сингапура и экономические достижения других «азиатских тигров» за последние двадцать лет связаны, в первую очередь, с разработкой и осуществлением эффективной образовательной политики, рассматриваемой в качестве главного национального приоритета. Исследование многообразного

опыта развитых стран, реформирующих свои системы образования в соответствии с требованиями их оптимальной адаптации к быстроменяющимся условиям глобализованного конкурентного мира, необходимо для успешного реформирования образования в стране.

Диссертант отмечает, что анализ законодательных актов в сфере образования, принятых во второй половине прошлого века и в первые годы XXI века, показывает, что важная роль в национальном законодательстве о высшем образовании различных стран традиционно отводится постулатам об университетской автономии и академических свободах.

В процессе исследования анализа мнений некоторых учёных (В.Насонкина, Г.Ткача, А.И.Галагана) об университетской автономии и академических свободах и полемики по этому поводу раскрывается сущность проблемы университетской автономии и академических свобод, которая представляют собой одну из наиболее сложных, деликатных и широко дискутируемых проблем, с которыми сталкиваются высшие учебные заведения (университеты), исследователи образования, органы управления высшим образованием в течение почти тысячелетнего периода их развития. Последние два столетия, и особенно, начиная со второй половины прошлого века, проблемы университетской автономии и академических свобод находятся в центре дискуссий о путях развития университета как социального института, его связях с окружающим миром, взаимоотношениях с государством и обществом.

Изучение опыта развитых стран, направлений и приоритетов их образовательной политики, наиболее очевидно и определенно проявляющейся в сфере образовательного законодательства, несомненно должно иметь практическое значение для повышения эффективности правового регулирования системы образования Республики Узбекистан, так как перед системой образования нашей страны стоят неотложные задачи по ее адаптации к современным условиям и требованиям реальности. Эта новая реальность предопределяет необходимость быстрого и адекватного реагирования системы образования и всего образовательного сообщества на имеющиеся вызовы. Совокупность этих вызовов затрагивает практически все уровни образования, все его виды и формы, его внутренний и международный аспекты.

В связи, с этим по мнению исследователя необходим пересмотр и разработка новых законодательных актов в сфере образования в Республике Узбекистан с учетом международно-правовых норм в сфере образования.

Во втором параграфе главы «Перспективы совершенствования системы образования в Республике Узбекистан на основе международных стандартов»

В рамках исследования изучена целенаправленная широкомасштабная деятельность Республики Узбекистан по модернизации и преобразованию системы образования, внедрению в нее современных форм и технологий обучения, усилению ориентированности направлений и специальностей, подготовки специалистов по требованию отраслей и сфер экономики.

Докторантом отмечается, что важным направлением совершенствования системы образования в Республике Узбекистан стало развитие международного сотрудничества, как на многосторонней основе, в рамках международных организаций (ООН, СНГ, ШОС и т.д.), так и на двухсторонней основе.

В рамках исследования рассмотрены соглашения Республики Узбекистан с Правительствами ряда стран Азии, со странами СНГ, Центральной Азии, арабскими и Европейскими странами, которые доказывают развитие международно-правовых основ международного сотрудничества Республики Узбекистан в сфере образования.

Кроме того, докторантом рассмотрены и анализированы Указы, Постановления Президента и Кабинета Министров Республики Узбекистан и предпринимаемые меры по реформированию системы образования во всех уровнях.

Также в работе особое внимание уделяется анализу национальных правовых основ по коренному структурному реформированию системы дошкольного образования в Республике Узбекистан, а также международных документов, имеющих важное значение в системе регулирования дошкольного образования.

Диссертантом отмечается, что не смотря на предпринимаемые меры в системе образования страны существует много проблем ждущих своего решения. Особенно развитие и совершенствование системы образования страны в соответствии с требованиями международных образовательных стандартов является требованием времени.

Анализ принимаемых нормативно-правовых актов в этой сфере дает возможность выделить следующие основные направления совершенствованию правовой базы в сфере образования в стране:

1. Совершенствование системы управления в сфере образования.
2. Совершенствование материально-технической базы в сфере образования: информатизация и внедрение ИКТ в систему образования; развитие библиотечного дела и информационно-ресурсной базы;
3. Повышение качества кадров в образовательных учреждениях: совершенствование системы аттестации научных кадров; обучение иностранным языкам как важное направление повышения качества системы образования; обучение ИКТ как необходимое условие повышения качества системы образования; поощрение кадров в научных и образовательных учреждениях.
4. Развитие международного сотрудничества в сфере образования: в рамках международных организаций; на двухсторонней основе.

Изучение и анализ в рамках параграфа нормативно-правовых актов в сфере образования показывает, что большое количество их принимались и принимаются касательно научных и научно-педагогических кадров, совершенствования системы их аттестации, системы послевузовского образования, о порядке присуждения ученой степени доктора наук, а также о порядке проведения квалификационных экзаменов.

Также проанализированы нормативно-правовые акты, направленные на дальнейшее совершенствование системы повышения квалификации и переподготовки руководящих и педагогических кадров средних и высших специальных, профессиональных образовательных учреждений.

Анализ национального законодательства Республики Узбекистан в сфере образования показывает необходимость дальнейшего развития международно-правовой базы международного сотрудничества в сфере образования.

Докторантом в результате исследования выявлены, что в системе высшего образования не осуществляется должным образом работа по установлению тесных партнерских отношений с ведущими зарубежными профильными научно-образовательными учреждениями, широкому внедрению в учебный процесс передового международного опыта, особенно на основе стажировки и повышения квалификации перспективных педагогов и научных кадров в этих учреждениях.

В ходе исследования в целях кардинального совершенствования системы высшего образования, коренного пересмотра содержания подготовки кадров разработаны пути совершенствования системы образования в Узбекистане, исходя из приоритетных задач «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», обеспечения необходимых условий для подготовки специалистов с высшим образованием на уровне международных стандартов.

Заключение

В процессе реализации поставленных перед исследованием задач и достижения намеченных целей в результате изучения и сравнительно-правового анализа международно-правовых отношений, составляющих объект исследования, сделаны следующие научно обоснованные выводы, предложения и рекомендации:

1. Практика показывает, что сотрудничество государств в сфере образования осуществляется и развивается по следующим направлениям:

первое направление - осуществление международных обменов в сфере образования, прежде всего, обмен лицами;

второе направление - сотрудничества составляет совместная деятельность;

третье направление - реализация односторонних обязательств по обучению иностранных студентов или повышению квалификации научно-педагогических кадров зарубежного государства за счет государственного бюджета;

четвертое направление - взаимное признание документов об образовании;

пятое направление - международная торговля образовательными услугами.

2. Международное сотрудничество государств в сфере образования осуществляется по форме: в *институциональной* и *договорной*.

Институциональная форма сотрудничества осуществляется как в рамках международных организаций, так и с использованием международных органов, а также путем проведения международных конференций. **Отношения, реализуемые в договорной форме, в свою очередь подразделяются на двусторонние и многосторонние.**

3. А по уровню межгосударственные отношения в сфере образования подразделяются, на *универсальные, межрегиональные, региональные и субрегиональные:*

универсальные межгосударственные отношения осуществляется в рамках ООН и её специализированных учреждений, таких как ЮНЕСКО, МОТ, а также фондов и программ;

межрегиональные межгосударственные отношения осуществляется в рамках межрегиональных международных организаций, таких как ОБСЕ;

региональные межгосударственные отношения осуществляется в рамках региональных международных организаций, таких как, Совет Европы, Организация американских государств, Организация африканского единства;

-субрегиональные межгосударственные отношения осуществляется в рамках региональных международных организаций, таких как, ЕС, СНГ, ЛАГ, ШОС, ОИС и др.

4. На основе анализа понятийного аппарата международного сотрудничества государств в сфере образования, можно сделать вывод о том, что в научной литературе и международных документах отсутствует четко определенного понятия международного правового сотрудничества в сфере образования.

Исходя из общего определения международно-правового сотрудничества в международном праве, предлагается следующее авторское определение. *Международно-правовое сотрудничество в сфере образования - это международная деятельность полноправных и ограниченных субъектов международного права, осуществляемая в рамках международных норм, международных программ ООН, ЮНЕСКО и др., образовательных программ и проектов, осуществляемых различными фондами и направленных на объединение усилий государств, международных организаций в обеспечении права человека на образование, модернизации и повышения качества и эффективности образовательных систем путем внедрения современных образовательных стандартов, мобильности академических кругов и студентов и формирование международного образовательного рынка.* То есть сейчас идет процесс формирования отрасли международного образовательного права.

5. Во второй половине XX и в начале XXI веков расширяется воздействие международного права, на межгосударственное сотрудничество в сфере образования. В настоящее время сформировалось: международно-правовые основы и механизмы межгосударственного сотрудничества в сфере образования; различные уровни сотрудничества универсальные, региональные и двусторонние; у международных организаций на постоянной основе усиливается и совершенствуется, их регулятивная, координационная и

охранительная функции; расширяются объекты правового регулирования и сотрудничества в сфере образования; формируется единое образовательное пространство.

6. Анализ развития деятельности международной институциональной системы показывает, что, хотя ООН является основным координирующим универсальным органом по всем формам деятельности государств, но основная координация деятельности государств в области образования принадлежит ЮНЕСКО.

7. Изучив международное сотрудничество в сфере образования и в целях дальнейшего развития международного сотрудничества в сфере высшего образования Республике Узбекистан необходимо обеспечить:

- постоянное повышение квалификации профессорско-преподавательского состава вузов в зарубежных вузах;
- разработку новых учебных программ и регулярное создание современной учебно-методической литературы для различных направлений образования;
- широкое участие профессорско-преподавательского состава вузов в зарубежных научно-практических семинарах, симпозиумах и конференциях;
- участие профессорско-преподавательского состава и студентов вузов республики в зарубежных обменных программах и тренингах;
- регулярное приглашение зарубежных преподавателей и профессоров для работы в вузах республики с целью совершенствования образовательного процесса и обмена опытом.

8. В развитии международно-правового сотрудничества в сфере образования выявлены следующие современные тенденции: высшее образование все более становится массовым; обеспечение права на образование в области школьного и дошкольного образования; диверсификация высшего образования по институциональным формам, уровням и содержанию; универсализация содержания образования; интернационализации высшего образования; обеспечение права на качественное образование взрослых, образование в течение жизни.

9. Анализ международно-правовых норм в сфере образования показывает, что: особенности универсальных международно-правовых норм в сотрудничестве в сфере образования выражается в их универсальности, эти нормы охватывают интересы всех государств; они постоянно динамично развиваются исходя из современных потребностей международного сообщества и каждого государства; эти нормы, как международные стандарты в области прав человека на образование являются обязательными нормами, а как международные стандарты в сфере образования, является нормой мягкого права; назрела необходимость разработки Глобальной конвенции по образованию. Она, на наш взгляд, должна охватить следующие вопросы: инструмент для разработки и осуществления утвержденных принципов и процедур признания, а не инструмент для автоматического признания квалификаций; всю сферу высшего образования и не предусматривать включения аспектов традиционного технического и профессионального

образования и подготовки; вопрос регулирования признания для получения доступа к профессии не будет входить в задачи глобальной конвенции; не будет рассматриваться вопрос обеспечения качества в высшем образовании; регулирование межрегионального сотрудничества и не будет препятствовать осуществлению эффективно функционирующих региональных конвенций или двусторонних соглашений о признании; не будет касаться сферы действия двусторонних соглашений о мобильности между странами или высшими учебными заведениями или мешать их осуществлению; не будет закрыта для стран, не имеющих возможности или желания ее ратифицировать.

10. *Компетенция международных региональных организаций по вопросам образования напрямую зависит от уровня социального и экономического развития того или иного региона.* Так, основной целью организаций государств Африки и Латинской Америки является развитие образования как одного из важнейших средства борьбы с нищетой и повышения уровня жизни. Организации, созданные государствами Европы, преследуют иные цели, например, осуществление обмена опытом и знаниями, сохранение общего культурного наследия, распространение языков. Регионы, испытывающие на себе культурную экспансию и озабоченные сохранением своей культурной самобытности, ставят соответствующие охранительные цели перед организациями.

11. *Болонский процесс - одна из форм сотрудничества государств, а именно - координация политики в сфере образования.* В то же Болонская декларация вместе с принятой в 1997 г. Лиссабонской конвенцией о признании квалификаций в регионе Европы стали *важной политико-правовой основой для построения принципиально новой, отвечающей требованиям времени системы образования в европейском регионе.*

12. *Во второй половине XX и в начале XXI вв. расширяется воздействие международного права, на межгосударственное сотрудничество в сфере образования.* Таким образом, в настоящее время сформировались: международно-правовые основы и механизмы межгосударственного сотрудничества в сфере образования; различные уровни сотрудничества универсальные, региональные и двусторонние; у международных организаций на постоянной основе усиливается и совершенствуется, их регулятивная, координационная и охранительная функции; расширяются объекты правового регулирования и сотрудничества в сфере образования; формируется единое образовательное пространство.

13. Анализ развития деятельности ЮНЕСКО по совершенствованию международного сотрудничества в области образования свидетельствует о том, что наблюдается общая тенденция расширения сфер деятельности ЮНЕСКО, в том числе связанных с развитием международных отношений в сфере образования. Если на начальном этапе основной задачей признавалось развитие международного взаимодействия в области образования и культуры, которое должно было обеспечить развитие связей между народами, способствовать большему взаимопониманию и взаимодействию, чтобы гарантировать сохранение мира, то в дальнейшем все возрастающее значение

стали приобретать программы ЮНЕСКО, направленные на развитие равноправного международного сотрудничества и борьбу с различными формами дискриминации.

14. *Сегодня деятельность ЮНЕСКО развивается по трем основным направлениям:* первое представляет собой нормотворческую деятельность и проведение исследований по вопросам национальной политики в области образования; вторым направлением выступает укрепление инфраструктуры образования на национальном уровне: развитие подготовки преподавателей, использование местных ресурсов для совершенствования образовательного процесса; третье направление - обмен информацией: путем распространения специализированных справочников, бюллетеней и т.д.

15. Международная организация труда как специализированное учреждение ООН в ряде случаев принимает нормы и по вопросам образования, связанным с осуществлением права граждан на получение профессионального образования либо с защитой трудовых прав работников образовательных учреждений.

16. Изучив международное сотрудничество в сфере образования и в целях дальнейшего развития международного сотрудничества в сфере высшего образования Республике Узбекистан необходимо: постоянное повышение квалификации профессорско-преподавательского состава вузов в зарубежных вузах; разработка новых учебных программ и регулярное создание современной учебно-методической литературы для различных направлений образования; обеспечить широкое участие профессорско-преподавательского состава вузов в зарубежных научно-практических семинарах, симпозиумах и конференциях; участие профессорско-преподавательского состава и студентов вузов республики в зарубежных обменных программах и тренингах; регулярное приглашение зарубежных преподавателей и профессоров для работы в вузах республики с целью совершенствования образовательного процесса и обмена опытом.

Исходя из этих выводов выдвигаются следующие практические предложения и рекомендации:

1. Необходимость разработки Концепции дальнейшего развития образования в Республике Узбекистан, предусматривающей дальнейшее совершенствование организационно-правовых аспектов системы образования.

2. В целях совершенствования национального законодательства Республики Узбекистан в сфере образования внесение изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об образовании»:

1) Дополнить отдельной статьёй посвященной понятийному аппарату Закона «Об образовании»;

2) Дополнить закон отдельной главой ***«Международное сотрудничество Республики Узбекистан в области образования»*** (см. приложение №3).

3. О присоединении Республики Узбекистан к Лиссабонской конвенции 1997 года, что помогало бы вхождению страны в европейский образовательный рынок.

4. Об осуществлении инвентаризации международных договоров в сфере образования Республики Узбекистан, которое помог бы выявить недостатки и эффективность, а также определить перспективы развития международной правовой базы Республики Узбекистан в сфере образования.

5. Об изучении и анализе качества, результатов эффективности и оценка межвузовских международных соглашений, а также вопросов юридической силы межвузовских международных соглашений, которые не относятся к международным договорам, и в связи с этим необходимости изучения механизма осуществления и эффективности этих соглашений.

6. О внедрении учебной дисциплины «Международное образовательное право» в системе повышения квалификации педагогических работников и руководящих кадров в системе Министерства высшего и средне специального образования и Министерства образования.

7. О разработке дорожной карты ВУЗов страны по вхождению в список 1000 самых лучших вузов мира.

8. Об усилении автономности ВУЗов и мобильности студентов и профессорско-преподавательского состава.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВА МАДИНА УЛУГБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲАМКОРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

**ЮРИДИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

**Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Yu50
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz)

жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Хамедов Иса Ахлиманович
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмаилов Баҳадыр Исламович
юримдик фанлар доктори

Эргашев Восид Якубович
юримдик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратурасининг Олий ўқув курслари**

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. “Б” бино, 103-хона) Тел.: (998971) 267-67-69; факс: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz.

Докторлик диссертацияси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (998971) 267-67-69)

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ф.Фармонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, тарих фанлар доктори,
профессор

Н.А.Нугманов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгашкотиби, юримдик фанлар номзоди,
доцент

Б.Н.Тошев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юримдик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Ривожланишнинг замонавий босқичида Ўзбекистон олдида турган стратегик вазифалар орасида мамлакат тараққиёти, иқтисодий барқарор ўсишининг энг муҳим омили сифатида таълим тизимини янада ривожлантириш туради.

Билимларни ҳар жойда кенгайтириб бориш ҳар бир жамият ва давлатнинг бош вазифасига айланмоқда, чунки билим замонавий босқичдаги янгича талқинида ҳақиқий фойдали кучни, ижтимоий ва иқтисодий натижаларга эриши воситасини англатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланишича, 2018 йилда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътибор марказида бўлади.

Айнан шунинг учун таълим, айниқса олий таълим, илмий изланишлар ҳозирда жамиятнинг моддий ва маънавий равнақ топишининг энг замонавий воситаси, интеллектуал ва моддий даражасининг кўрсаткичидир.

Таълим мамлакатнинг рақобатдошлигини кўрсаткичи, шунингдек барқарор иқтисодий ривожланиш ва ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги фарқни қисқартиришга қаратилган давлатлар ҳамкорлигининг муҳим соҳасига айланди.

Бугунги кунда олий таълимнинг миллий тизимлари глобал жараёнлар ва тенденциялар, жаҳон меҳнат бозорининг талабларидан ташқарида ривожлана олмайди. Глобализациянинг оқибатларидан бири – бу таълим хизматлари глобал бозорининг пайдо бўлиши ва таълим тизимининг интернационализациясидир. Университетлар халқаро Ассоциацияси (IAU)нинг 2006 йилда аъзолари ўртасида ўтказган тадқиқотига кўра, уларнинг 73% таълим тизимини интернационализацияси масаласини энг устувор масалалардан деб ҳисоблайдилар, чунки интернационализация жараёнида янги халқаро таълим муҳити шаклланади, ушбу муҳим эса иштирокчилар миллий манфаатларининг энг самарали шаклларда амалга ошишига ҳамда муҳим аҳамиятга эга муаммолар ечимини биргаликда топишга ёрдам беради. Буни тушунган ҳолда кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари, олий таълимга ўзларининг узоқни кўзлайдиган сиёсий ва иқтисодий мақсадларга эришишнинг муҳим омили сифатида қарамоқдалар.

Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти томонидан таълим соҳасига катта эътибор берилмоқда. Соҳани тубдан такомиллаштириш, халқаро стандартлар даражасида кадрларни тайёрлашни қайта кўриб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори янги туртки бўлди.

Мазкур Қарор билан олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ҳамда замонавий ахборот-коммуникацион воситалар

билан таъминлашни кўзда тутувчи, 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Бугунги кунда таълим соҳасида давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги янада фаоллашмоқда, бундай ҳамкорликнинг янги тенденциялари намоён бўлмоқда, ҳамкорликнинг янгича шакл ва йўналишлари пайдо бўлмоқда. Мазкур ўзгаришлар тегишли тадқиқотларни, шунингдек ҳамкорлик жараёнида пайдо бўлаётган муаммоларнинг ечимини талаб қилмоқда.

Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг МДХ, ШХТ ва ИХТ каби минтақавий ташкилотларни аъзолари бўлган давлатлар билан ҳамкорлиги ривожланмоқда, ҳамкорликнинг йўналишлари кенгаймоқжа, янги халқаро битимлар тузилмоқда, ҳамкорликнинг институционал тизими ривожланмоқда. Бу эса ҳамкорлик жараёнида, шу жумладан унинг самарадорлигини ошириш мақсадида вужудга келаётган масалаларни ҳал қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Амалий характердаги муаммоларни ҳал қилиниши, Ўзбекистонлик халқаро ҳуқуқ юристларининг тадқиқотлари доирасига олдин кирмаган назарий масалалар кўриб чиқилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай масалалар қаторига таълим соҳасида давлатлар муносабатларини тартибга солувчи махсус принципларни таърифлаш ва таҳлил этиш, таълим соҳасидаги муносабатлар асосий иштирокчиларининг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳуқуқий мақоми хусусиятларини белгилаш, таълим соҳасида ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг спецификасини аниқлаш каби масалалар киради.

Бинобарин, бундай ҳамкорлик жараёнида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича тавсияларни кўзда тутувчи тадқиқот амалий ва назарий жиҳатдан қизиқарли ва долзарбдир. Яъни, тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларга асосланган. Бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ҳамда технологик тараққиётда, инсон салоҳиятини ривожлантиришда, авваломбор умумий саводхонлик масаласида, келажак учун мутахассислар тайёрлашда ва тинчлик, ўзаро тушуниш ҳамда бағрикенглик руҳида инсонлар авлодини шакллантиришда таълим ўта муҳим роль ўйнаши тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожлантиришни асосий устувор йўналишлари билан боғлианиши. Тадқиқот иши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини (IV) Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш (4) ҳамда Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар (V) доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилиши даражаси. Тадқиқот мавзусининг у ёки бу аспектлари олимларимиз Ш.Асадов, Б.И.Исмаилов, Г.А.Маткаримова, А.Х.Саидов, И.Умарахунов, А.Р.Муминов, Г.Юлдашева илмий асарларида

ўрганилган. Таъкидлаш жоизки, таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикасида алоҳида комплекс илмий тадқиқотнинг объекти бўлмаган.

МДХ мамлакатларининг олимларидан И.Абдулкеримов, Е.Павлюченко, А.Есетова, Л.Букалєрова, Р.Шагиева, И.В.Демяненко, А.Кондратюк, В.Сырых, Т.Мешкова, А.Б.Ордабаева, А.А.Сабитова, И.Зорников, Л.Волкова, Ю.М.Федорова, В.Е.Шудегов, Е.В.Буслов ва бошқаларнинг асарларида, ўта амалий ёндашув, маълум соҳада давлатларнинг амалиётини кўздан кечириш ва умумлаштириш (жумладан, чет эл дипломларини тан олиш, таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш) ёки таълим жараёни субъектларининг айрим тоифаларини муаммоларига бағишланганлиги кўзга ташланади.

Узоқ чет эл олимларидан Cassese A., Dixon Martin, Walter Ch., Malcolm N., Urchick K. U.S., A.N.Robertson&J.G.Merrills, Eide A., Krause C., Rosas A. ва бошқаларнинг асарларида таълим соҳасидаги давлатларнинг ҳамкорлиги айрим аспектилари ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғланганлиги. Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида амалга оширилган ҳамда университетнинг Илмий-мувофиқлаштириш кенгаши мажлисида тасдиқланган (№ 7-сонли баённома, 2017 йил 9 июнь).

Тадқиқотнинг мақсади бу – Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги ҳамкорлигида халқаро-ҳуқуқий масалаларни комплекс ўрганиш асосида уларни такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар:

- таълим соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг шакллари ва тушунчалар аппаратига ёндашувлар ва назарияларни ўрганиш;
- таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишини асосий тенденцияларини аниқлаш ва таҳлил этиш;
- таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий нормаларни таснифлаш тизимини ва моҳиятини очиб бериш;
- таълим соҳасида давлатларнинг икки томонлама келишувлар ва универсал, минтақавий нормаларининг хусусиятини, шунингдек ушбу даражалар нормаларининг ўзаро боғланиши, турли даражалардаги ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳажми ва устувор йўналишларини аниқлаш, шунингдек халқаро-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш хусусиятларини белгилаш;
- таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро нормалар тизимини таҳлил этиш;
- таълим соҳасида давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги бўйича БМТнинг мувофиқлаштириш функцияси моҳиятини очиб бериш;
- таълим соҳасида давлатларнинг минтақалараро хусусиятларини аниқлаш;
- таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама даражада халқаро ҳамкорлигини ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда уни

ривожлантириш истиқболлари ва муаммоларини аниқлаш;

- таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакатларнинг миллий қонунчилигини таҳлил этиш;

- таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини такомиллаштириш бўйича халқаро таълим стандартлари асосида илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Тадқиқот объекти бу - таълим масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари.

Тадқиқот предмети бу – таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий муносабатларни белгиловчи назарий ва амалий масалалардир.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишида тадқиқотнинг умумий методлари, жумладан ўрганишнинг диалектик методи, таҳлил, умумлаштириш, тизимли ёндашув, таққослаш-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, тизим-тузилиш, тизим-функционал таҳлил, шунингдек формал-юримдик методлар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан, яъни:

“Таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик” тушунчасини, халқаро ҳуқуқнинг мавжуд назариялари ва доктриналари асосида муаллифлик таърифини ишлаб чиқилиши;

- таълим соҳасида давлатлар ҳамкорлиги халқаро- ҳуқуқий тартибга солинишининг ривожланишини даврийлиги ва тенденцияларини аниқланиши;

- замонавий халқаро ҳуқуқ тизимида, халқаро таълим ҳуқуқи каби янги тармоқнинг шаклланишини назарий асослантирилиши;

- таълим соҳасида ҳамкорликни тартибга солувчи махсус принциплар белгиланиши ҳамда уларнинг норматив мазмунини очиб берилиши;

- давлатлар ҳамкорлигининг шартномавий шакли хусусиятларини, шунингдек таълим соҳасида халқаро нормаларининг ижро этилиши спецификаси аниқланиши;

Ўзбекистон Республикасининг таълимни ривожлантириш Концепциясини, жаҳондаги таълим ривожининг замонавий илғор моделлари ва тенденциялари асосида ишлаб чиқилиши ҳамда уйғунлаштириш йўли билан таълимнинг миллий моделини узоқ муддатли ривожлантириш истиқболлари аниқланиши ва асослантирилиши;

- таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик соҳасида ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ишлаб чиқилишидан иборат.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига “Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик” номли махсус бобни киритиш орқали Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- таълим соҳасида давлатларнинг ҳамкорлигини халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг ташкилий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилди;

- таълим соҳасида халқаро стандартлар асосида таълим тизимини

такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда тадқиқот мавзусига доир 200 тадан ортиқ илмий ва ҳуқуқий манбалардан фойдаланилди. Тадқиқотда фойдаланилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг миллий қонунчилиги, илмий адабиёт халқаро ташкилотларнинг расмий сайтлари ва Ўзбекистон Республикасининг расмий манбалардан олинган, диссертациядаги ҳавола этишлар тегишли тартибга амалга оширилган. Илмий-тадқиқот ишининг яқунлари бўйича назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар, халқаро-ҳуқуқий доктриналар, илмий материал, шунингдек халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардаги илмий-назарий қарашлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилигини таққослов, тизимли таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари апробациядан ўтган ҳамда етакчи миллий ва хорижий нашрларда чоп этилган. Олинган натижаларнинг аҳамияти ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигини комплекс илмий ўрганиш натижасида чиқарилган хулосалар, “Халқаро ҳуқуқ”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқи”, “Халқаро шартномалар ҳуқуқи”, “Халқаро таълим ҳуқуқи” каби тармоқлардан таълим беришда фойдаланиш борасида назарий асосларни ривожлантириш учун оптимал асос яратади.

Тадқиқот натижасида олинган, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга татбиқ этилиши амалий аҳамиятга эга, бу ўз навбатида таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш ва тадқиқот объекти ҳуқуқий асосларини, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ташкилий-ҳуқуқий ривожланишини оптималлаштириш учун замин яратади.

Диссертация тадқиқоти натижалари татбиқ этилиши. Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигини ўрганиш натижасидаги хулосалар асосида қуйидагилар кирилди:

таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик масалаларини батафсил тартибга солиш зарурлиги ҳақида таклиф, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунини “Халқаро ҳамкорлик” номли V-боб, 30, 31, 32, 33-моддалар билан тўлдириш (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари Институтининг 2018 йил 23 апрелдаги №01/1-215-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф таълим соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ёрдам берди;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги, олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта

тайёрлашни ташкил этиш ва малакасини ошириш бўйича Бош илмий-методик марказ тизимидаги педагог кадрлар малакасини ошириш курсларида “Халқаро таълим ҳуқуқи” курсини киритиш ҳақидаги таклиф (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 мартдаги №87-03-1023-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги, олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларнинг халқаро таълим стандартлари ва халқаро ҳамкорлик механизмлари соҳасидаги билимларини оширишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлигини янада такомиллаштирилишида ёрдам берди;

таълим соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Ҳарбий-техник институтини 2018 йил 19 апрелдаги №22-03-1023-сонли далолатномаси). Мазкур хулоса ва таклифлар “Халқаро ҳуқуқ”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанларидан таълим беришда ўқув жараёнини такомиллаштиришда ёрдам берди, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Диссертация тадқиқоти натижалари апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” ЮНЕСКО кафедрасида, шунингдек 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференциялар ва давра суҳбатларда апробациядан ўтказилди.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг чоп этилиши. Диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар, шу жумладан 12 та мақола (10 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда) ВАК томонидан диссертация илмий натижаларини чоп этилиши учун тавсия этилган нашларда эълон қилинди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 11 та параграфдан иборат тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 150 варақдан иборат (илова ва адабиётлар рўйхатисиз).

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида унинг долзарблиги ва мавзунинг ўрганилиши зарурати, республиканинг фан ва технологиялар ривожланишини устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни қўздан кечириш, диссертация мавзусининг олий таълим муассасасини илмий-тадқиқот иши билан алоқаси, унинг мақсадлари ва вазифалари, объекти ва предмети, методлари, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, татбиқ этилиши, апробацияси, чоп этилиши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг назарий-методологик масалалари”** номли биринчи бобида таълим соҳасида

халқаро ҳамкорлик ривожланишининг тенденциялари, шакллари ва тушунчалар аппарати, шунингдек таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг моҳияти ва таснифланиши таҳлил этилган.

Мазкур бобнинг “Таълим соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг тушунчаси ва шакллари” номли биринчи параграфида таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг назарий асослари, шу жумладан таълим тушунчаси, таълим масалалари бўйича давлатлар ҳамкорлигининг заруратини яратувчи омиллар, таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, мақсад ва шакллари батафсил таҳлил этилган.

Диссертант томонидан таълим масалалари бўйича давлатлар ҳамкорлигининг заруратини яратувчи қуйидаги объектив омиллар гуруҳи аниқланган: 1) ижтимоий-иқтисодий омиллар; 2) сиёсий омиллар. Бундан ташқари, мафкуравий, академик ва ҳуқуқий омиллар ҳам баён этилган.

Таҳлил натижасига кўра айрим халқаро ҳужжатларда “таълим” тушунчаси берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қўшилган 1989 йилги Техник ва профессионал таълим тўғрисидаги Конвенцияда таълимни кенг тушунчаси қўлланилган. Жумладан, таълим муассасаларида олинган таълимдан ташқари мазкур тушунчага ишлаб чиқаришдаги ўрганиш жараёни, шунингдек қўшма дастурлардан олинган билимлар киритилган («Б» б., 1-м.). Ушбу аспект билимлар олиш манбасига тегишлидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим тушунчаси берилмаганлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, параграфда замонавий халқаро ҳуқуқ назариясида, таълим соҳасида умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик тушунчаси мавжуд эмаслиги кўрсатилиб, муаллифнинг тушунчаси илгари сурилган.

Тадқиқот жараёнида таълим соҳасида давлатнинг халқаро ҳамкорлигини қатор йўналишлари белгиланган: 1) таълим соҳасида халқаро алмашувлар, авваломбор инсонлар алмашинуви; 2) қўшма фаолият; 3) давлат бюджети ҳисобидан чет эл талабаларини ўқитиш ёки хорижий давлат илмий-педагог кадрларини малакасини ошириш бўйича бир томонлама мажбуриятларни амалга ошириш; 4) таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ўзаро тан олиш; 5) таълим хизматларига оид халқаро савдо.

Диссертант халқаро ҳамкорликни шакли ва даражаси бўйича қуйидагиларга ажратади:

- таълим соҳасида давлатлараро ҳамкорлик шакллари бўйича халқаро ҳамкорлик, халқаро-ҳуқуқий ва институционал шаклларига;

- даража бўйича таълим соҳасида давлатлараро ҳамкорлик *универсал, минтақалараро, минтақавий ва субминтақавий* шаклларга бўлинади.

“Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожланишининг тенденцияси” бобининг иккинчи параграфида таълим соҳасида давлатлараро ҳамкорлиги ривожланиш тарихи ва унинг пайдо бўлиш ва тараққий этиши даврийлиги ўрганилган, шунингдек мазкур соҳада ҳамкорлик ривожланишининг замонавий тенденциялари белгиланган.

Таълим соҳасида давлатлараро ҳамкорлиги ривожланиш тарихини

ўрганиш доирасида, диссертант томонидан ривожланишнинг қуйидаги асосий босқичлар ажратилган: *биринчи босқич*, XX асрнинг 45-60-йиллари – таълим соҳасида халқаро норматив ҳужжатларнинг шаклланиши; *иккинчи босқич*, XX асрнинг 79-90-йиллари – аҳолининг заиф қатламларининг таълимга бўлган ҳуқуқларига оид алоҳида халқаро стандартлар шаклланиши ва ривожланиши; *учинчи босқич*, XXI асрнинг бошланиши – янги ахборот технологиялар ва масофадан туриб таълим олишга асосланган таълим стандартларининг шаклланиши ва ривожланиши; ногиронларнинг таълимга бўлган ҳуқуқларини императив нормалар шаклида тан олиниши.

Тадқиқотчи таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожланиши босқичлари ва унинг замонавий аҳволини ўрганиб, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожланишининг қуйидаги тенденцияларини белгилайди: олий таълим тобора оммалашмоқда; олий таълимни шакллари, даражалари ва мазмуни бўйича диверсификацияси; олий таълимни интернационализацияси; таълим мазмунининг универсализацияси.

“*Таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий нормалар моҳияти ва таснифланиши*” номли учинчи параграфда таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва тизимлаштирилиши очиб берилади. Диссертант халқаро ҳуқуқ назариясидан келиб чиққан ҳолда белгилаб беришича, таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий нормалар деганда халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан яратилаётган ҳамда уларнинг таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган хулқ-атворнинг юридик жиҳатдан мажбурий қоидалари тушунилади.

Параграф доирасида ҳозирги пайтда таълим соҳасида махсус халқаро-ҳуқуқий база шаклланганлиги таъкидланган. Ҳозирги кунда таълим соҳасида оид ёки айрим масалаларга доир нормалари мавжуд бўлган юзлаб халқаро ҳуқуқ манбалари мавжуддир. Ушбу ҳужжатлар БМТ Бош Ассамблеяси, ЮНЕСКО, ХМТ, минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган, шунингдек давлатларнинг икки томонлама келишувларидир.

Диссертант томонидан таълим соҳасида халқаро шартномалар ўрганилган, шартномалар қуйидагича, яъни икки томонлама, кўп томонлама, очик, ярим очик ва ёпиқ, универсал ва минтақавийлар таснифланган.

Тадқиқотчи таълим соҳасида халқаро нормаларининг катта ҳажмини тизимлаштириш, халқаро стандартларни таснифлаш, уларнинг моҳияти, мазмуни ва ҳуқуқий жиҳатини тушунишга ёрдам беришлиги ҳақида фикр юритади. Иккинчидан, таълим соҳасида халқаро шартномаларни уларнинг ёпиқлиги ва очиклиги, географик регион, юридик кучи ва тартибга солиш предметига қараб таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Учунчидан, таълим соҳасида халқаро шартномаларнинг тан олиниши, минтақавий даражада уларни халқаро стандартларнинг алоҳида тури сифатида ривожланиши, универсал даражада алоҳида ҳужжатнинг қабул қилинишига олиб келади. Таълим соҳасидаги мазкур жараён умумжаҳон миқёсидаги замонавий тенденциялар билан боғлиқдир.

Тадқиқот доирасида ўтказилган таҳлил асосида эътироф этилишича, халқаро таълим ҳуқуқи – шаклланаётган тармоқ, 50 тадан ортиқ халқаро

хужжатлар қабул қилинган: таълим муассасаларининг мақоми тўғрисида, илмий ва педагог ходим мақоми тўғрисида, дипломлар ва ўқув курсларини тан олиш тўғрисида, таълим соҳасида стандартлаштириш тўғрисида, ўқувчининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида ва х.к.

Диссертациянинг **“Таълим соҳасида давлат ҳамкорлигининг халқаро-шартномавий шакллари”** номли бобида таълим соҳасида универсал ва минтақавий нормаларнинг хусусиятлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг таълими соҳасидаги халқаро нормалари тизими кўриб чиқилган, ўрганилган ва таҳлил этилган.

Диссертанти таъкидлашича, таълими соҳасидаги масалаларга оид универсал характердаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг характерли жиҳати – бу уларнинг аксарияти БМТ ва ЮНЕСКО каби универсал халқаро ташкилотлар таъсири билан қабул қилинганлигидир. Шу билан бирга, бундай ҳужжатларнинг сон жиҳатидан камлигини айтиб ўтиш жоиз. Мазкур ҳужжатлар инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоялашга ва дискриминацияга йўл қўймасликка қаратилган.

Мазкур параграф доирасида таълимга бўлган инсон ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган нормалар таҳлил қилинган ва қуйидаги гуруҳларга таснифланган, яъни: 1) БМТ ҳужжатлари; 2) ЮНЕСКО ҳужжатлари; 3) ХМТ ҳужжатлари.

Диссертант таълим соҳасида халқаро интеграция ривожланиш жараёнида халқаро ташкилотлар ва айниқса ЮНЕСКОнинг муҳим ролини кўрсатиб ўтади, чунки асосан ЮНЕСКО таълим соҳасида халқаро конвенциялар ва тавсияларни ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Тадқиқотчи томонидан таъкидланишича, таълим соҳасида ҳамкорликни амалга оширишда халқаро ташкилотларнинг тавсиявий ҳужжатлари устун келади, халқаро шартномалар эса кам сонли ва асосан таълим ҳуқуқини ҳимоялаш ва дискриминацияга қўл қўймасликка бағишланган. Бунинг сабаби - ҳамкорлик жараёнида вужуд келаётган муаммоларга ва таълим соҳасининг эҳтиёжларига, узоқ муддатли давлатлараро келишувлардан кўра халқаро ташкилотлар томонидан тавсиялар қабул қилиш орқали тезроқ жавоб беришидир.

Ўтказилган таҳлил кўрсатадики, ҳозирги замонда таълим, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш жараёнлари ва биринчи навбатда умумий ёки процессионал таълим муассасаларида ўқишни тамомлаган шахсларни ишга жойлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ёшларга таълим бериш ва ишга жойлаштириш масалаларига оид кўпгина нормалар, меҳнат шароитларини яхшилаш орқали ижтимоий адолатсизликни бартараф этиш ва тинчликни таъминлаш мақсадларида ташкил этилган ХМТ ҳужжатларида келтирилган.

Мазкур параграф доирасида, 2030 йилгача бўлган муддатга барқарор ривожланиш Мақсадлар ўрганилган ва таҳлил этилган, ушбу ҳужжат 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш орқали камбағалликни бартараф этишга қаратилган истиқболли, амбицияли ва универсал кун тартибидан иборат бўлиб, унда 17 та мақсадга эришиш учун таълим узил-кесил аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилган. Таълим соҳасидаги вазифалар асосан “ҳамма учун

хаёти давомида таълим олиш имкониятини рағбатлаштириш ва ҳамма учун сифатли одилона таълимни таъминлаш”га оид 4-Мақсадда белгиланган. Таълим соҳасидаги Мақсад доирасидаги 10 та вазифага эришишга оид йўл харитаси сифатида, 2030 йилга қадар таълим соҳасида ҳаракатларнинг Ҳадли дастури 2015 йил ноябрда қабул қилинган, унда: кичик ёшдаги болаларни таълимидан ёшлар ва катталар таълими ва тайёргарлиги қамраб олинган; иш учун зарур бўлган кўникмаларга ўрганишга эътибор берилган; плюралистик ва ўзаро боғлиқ бўлган дунёда глобал гражданлик руҳида таълим бериш аҳамияти таъкидланган; инклюзивлик, тенг ҳуқуқлик ва гендер тенглигига алоҳида эътибор қаратилган; инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълимнинг сифатли натижалари билан таъминлашга қаратилган.

Таҳлил натижасида қуйидагилар аниқланган: биринчидан, таълим соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормалар универсаллиги билан ажралиб туради, ушбу нормалар барча давлатларнинг манфаатларини қамраб олади; иккинчидан, улар халқаро ҳамжамият ва ҳар бир давлатнинг замонавий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда тезкорлик билан ривожланади; учинчидан, ушбу нормалар таълимга бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар сифатида мажбурий кучга, таълим соҳасидаги халқаро стандартлар сифатида эса тавсиявий кучга эга; тўртинчидан, таълим бўйича глобал конвенцияни ишлаб чиқиш зарурати вужудга келган.

Тадқиқотда глобал конвенцияни ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилган, ҳозирги кунда барча давлатлар учун замонавий эҳтиёжларга мос ва ягона халқаро ҳужжат бўлиб хизмат қиладиган универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

“Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги минтақавий халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг хусусиятлари” бобининг иккинчи параграфида таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги минтақавий халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг хусусиятлари ўрганилган.

Параграф доирасида биринчи ва иккинчи авлод конвенцияларга бўлинган минтақавий халқаро-ҳуқуқий конвенциялар батафсил таҳлил этилган.

Минтақавий конвенцияларнинг ҳар томонлама таққослаш таҳлиliga алоҳида эътибор берилган, унинг асосида минтақавий конвенцияларнинг принциплари ўхшашлиги аниқланган.

Иккинчи авлод минтақавий конвенцияларнинг хусусиятларига келганда қуйидагиларни таъкидлаш жоиз: биринчидан, терминологияда “эквивалентлик”дан “тан олиш”га бўлган силжиш кузатилмоқда; малакаларни тан олишда конвенцияларнинг мақсадлари ҳам кейинги ўқиш ва илмий ишлар, ҳам профессионал мақсадларга ҳам қаратилган; учинчидан, конвенциялар таъсир доираси – формал таълим тизимларида олинган малакаларни тан олинишидир.

Таҳлил натижасига кўра биринчи ва иккинчи авлод минтақавий конвенциялари ўртасида фарқлар аниқланган, яъни: олий таълим тизимларининг кенг диверсификациясини тан олиниши; ишончли ахборотга эга бўлиш имкониятининг аҳамияти; профессионал малакаларга қарши

академик малакалар; минтақавий сиёсат ривожланишининг тенденциялари билан ўзаро боғлиқлик; бошқарув принципларининг ишлаб чиқилиши; сифатга ва унинг таъминланишига, малакавий ҳадларга кўпроқ эътибор берилиши; амалга ошириш учун масъул янада комплекслик характерга эга бўлган тизимлар ва тузилмалар.

Таълим соҳасидаги халқаро ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги учун, республика аъзолигидаги МДХ ташкилоти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ҳақида диссертант томонидан фикр юритилган.

Тадқиқотда МДХ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг хусусиятлари сифатида, уларнинг иштирокчи-давлатлар ҳудудида тўғридан-тўғри кучга эга эмаслиги таъкидланган. МДХ норматив-ҳуқуқий ҳужжати умуммажбурий меъёр кучига эга бўлиш учун, ички миллий ҳужжат сифатида ваколатли орган томонидан қабул қилиниши лозим бўлади.

Диссертант фикрига кўра, таълим соҳасида давлат сиёсати принциплари умумийлиги, давлат таълим стандартлари, дастурлари, касб ва мутахассисликлар рўйхати, илмий ва илмий-педагог ходимлар ва дастурларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича стандартлар ва талаблар, МДХ мамлакатлари таълимини олишга фуқароларнинг тенг имкониятлари ва эркин амалга оширилиши МДХ ягона таълим ҳудудини яратиш учун асос бўлади, бу эса МДХ иштирокчи давлатларнинг ягона таълим ҳудуди доирасида талабалар, ўқитувчилар, аспирант ва докторантлар, илмий ходимларнинг мобиллиги (ҳаракатланишини) кескин оширади.

“Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси халқаро-шартномавий базасининг хусусиятлари” бобининг учинчи параграфида таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси халқаро-шартномавий базаси ва унинг хусусиятлари барафсил кўриб чиқилган.

Тадқиқотчи таъкидлаганидек, республикада инсоннинг таълимга бўлган ҳуқуқи таъминланишига алоҳида эътибор берилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқларига оид 80 тадан ортиқ шартномалар ратификация қилинган, уларнинг бир қаторида таълимга бўлган инсон ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Диссертант халқаро ҳуқуқ назариясидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги умумий халқаро-шартномавий базасини қуйидагича таснифлаган:

1. Инсон ҳуқуқларига оид универсал халқаро ҳужжатлар;
2. Таълим соҳасига бевосита тегишли булган универсал халқаро ҳужжатлар;
3. Таълим соҳасидаги минтақавий халқаро келишувлар;
4. Таълим соҳасидаги икки томонлама халқаро келишувлар.

Ўтказилган таҳлил натижалари асосида диссертант фикрига кўра икки томонлама халқаро ҳамкорлик таълим соҳасида энг тез ривожланаётган соҳалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги ҳамкорликка оид турли хил икки томонлама келишувлар тузган. Жумладан, ҳозирги пайтда таълим соҳасида қатор икки томонлама келишувлар тузилган,

масалана, Олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қирғиз Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 2017 йил 5 сентябрдаги Келишув; Соғлиқни сақлаш, тиббий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Россия Федерацияси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги 2017 йил 5 апрелдаги Келишув.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро-шартномавий базаси нафақат халқаро таълим ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади, балки таълим соҳасида миллий қонунчилиги ривожига ҳам ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Таълим соҳасида давлатларнинг халқаро институционал ҳамкорлиги”** номли учинчи бобида таълим соҳасида БМТ тизимида, минтақа даражасида давлатларнинг ҳамкорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама даражада халқаро ҳамкорлиги таққослаш-ҳуқуқий таҳлилдан ўтказилган.

Бобнинг *“БМТ тизимида таълим соҳасида давлатлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш”* номли биринчи параграфиди БМТ тизими органларининг, таълим соҳасидаги давлатлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолияти кўрсатилган ва таҳлил қилинган.

Мазкур параграф доирасида замонавий босқичда таълим соҳасидаги давлатлар фаолиятини мувофиқлаштиришда халқаро ташкилотлар муҳим роль ўйнаши таъкидланган.

Тадқиқот жараёнида XX аср иккинчи ярмида ва XXI аср бошида куйидагилар шаклланганлиги очиб берилган:

- таълим соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг халқаро институционал тизими;
- мазкур тизимда ҳамкорликнинг универсал, минтақавий ва икки томонлама даражалари мавжудлиги;
- халқаро ташкилотларнинг регулятив (тартибга солиш), мувофиқлаштириш ва ҳимоя қилиш функциялари доимий равишда кучайиб бормоқда ва такомиллашмоқда;
- таълим соҳасида тартибга солиш объектлари ва ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда;
- ягона халқаро таълим ҳудуди шаклланмоқда.

Диссертант фикрига кўра мазкур халқаро таълим тизимида ЮНЕСКО марказий ўринни эгалламоқда. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича ЮНЕСКО фаолиятининг таҳлили, ЮНЕСКО соҳаларининг, шу жумлалан таълим соҳасида халқаро муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ соҳаларининг кенгайиши умумий тенденциясини кўрсатади.

Бугунги кунда ЮНЕСКО учта асосий йўналишлар бўйича ривожланмоқда:

- биринчиси нормаларни яратиш фаолияти ва таълим соҳасида миллий сиёсат масалалари бўйича тадқиқотларни амалга ошириш;
- иккинчиси таълим инфраструктурасини миллий миқёсда

мустаҳкамлаш: ўқитувчилар тайёрланишини ривожлантириш, таълим жараёнини такомиллаштириш учун маҳаллий ресурслардан фойдаланиш;

- учинчи – ахборот алмашиш: ихтисослашган маълумотномалар, бюллетенларни тарқатиш ва х.к.

Таълим соҳасида Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим ҳолатларда БМТнинг ихтисослашган ташкилоти сифатида ХМТ, профессионал таълим олиш билан ёки таълим муассасалари ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш боғлиқ бўлган таълим масалаларига оид нормаларни қабул қилади.

Тадқиқотдаги ижтимоий ривожланишни дунё динамикасидаги таълимни ролини ўрганишнинг аҳамияти шундаки, ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги сиёсати ва фаолияти дунё тараққиётини умумий тенденцияларидан ажратган ҳолда кўрилмасдан, балки инсоннинг халқаро эътироф этилган ҳуқуқларининг мажмуи ва уларни амалга ошириш бўйича амалий иш сифатида қаралган. Мазкур асосда ЮНЕСКО таълим соҳасидаги ўз сиёсатининг асосий принципларини ишлаб чиқади, унинг нормаларини ва турли хил таълим дастурлар ривожланиш йўналишларини яратади ва таснифлайди. Бунда минтақалар ва айрим мамлакатлар манфаатлари, аҳолининг турли тоифаларини эҳтиёжлари инобатга олинади.

Диссертант таъкидлайдики, таълим муаммоларини ҳал қилишда ЮНЕСКО БМТ тизимининг ёрдамчи органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва ушбу ҳамкорликда таълим муаммолари ижтимоий ривожланишни замонавий тенденцияларига боғланмоқда, чунки ижобий ҳолатлар билан бирга жаҳон ҳамжамиятида терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, фуқаролик урушлари, қочоқлар каби бошқа хавфсизликка таҳдидлар вужудга келган.

Диссертант фикрига кўра, ривожланишнинг мазкур салбий омилларини бартараф этишда таълим, ўзаро тушуниш ва бағрикенгликни тарбиялаш орқали инсониятни интеллектуал ва маънавий бирдамлиги муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотда БМТ ва қатор универсал характердаги халқаро форумларнинг расмий ҳужжатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилган, улар орасида таълимнинг ривожига ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган ЮНЕСКОнинг расмий ҳужжатлари ва унинг ташаббуси билан ўтказилган конференциялар материаллари муҳим ўрин эгаллайди. Улардан фойдаланиш таълимни турли жиҳатлари, бўлажак мутахассисларни профессионал ва техник тайёргарлиги, авлодларни тинчлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик руҳиятида тарбиялашда таълимнинг ролига бағишланган конференциялар, конгресслар материалларини таққослов-тарихий таҳлилни ўтказишда ёрдам берган, шунингдек ЮНЕСКО таълим сиёсатининг концептуал принциплари, фаолиятининг бошланғичдан олий таълимгача бўлган умумжаҳон, минтақавий ва аҳоли қатламлари миқёсидаги асосий йўналишлари ҳақида хулоса чиқаришда қўл келди.

ЮНЕСКО сиёсати ва фаолиятининг турли жиҳатларини таҳлили асосида хулоса қилинмоқда: мазкур ташкилот таълим соҳасидаги йирик мутахассислар иштирокида сиёсат принциплари, норма яратиш базаси ва уларни амалга

ошириш асосий йўналишларини ишлаб чиқмоқда. Бу жараёнда минтақалар ва алоҳида мамлакатлар манфаатлари, аҳолининг турли тоифаларини эҳтиёжлари инобатга олинади.

Расмий ҳужжатлар, халқаро конференциялар, минтақавий ва субминтақавий учрашувлар, давра суҳбатлари, ЮНЕСКО аъзолари давлатларининг таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларининг ижроси ҳақидаги ахборотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ЮНЕСКО ривожланиши жараёнида унинг таълим соҳасидаги фаолияти доимий кенгайган ва сифат жиҳатидан яхшиланган, ўз таъсир доирасига мазкур соҳада белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун миллионлаб инсонларни қамраб олган.

Параграф доирасида ЮНЕСКО ўз дастурларининг ишлаб чиқиш ва бажаришда, бутун жаҳонда аъзолари ва кўпгина мамлакатлардаги миллий бўлинмалар орқали фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида 600 тадан ортиқ нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилади.

Бобнинг *“Минтақа миқёсида таълим соҳасида давлатлар ҳамкорлигини ривожлаштириш”* номли иккинчи параграфида глобал ва миллий даражалар ўртасида ҳаракатлар уйғунлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдиган ҳамкорликнинг минтақавий механизмлари кўриб чиқилган.

Диссертантни таъкидлашча, минтақавий халқаро ҳамжамиятлар томонидан таълим масалалари юзасидан белгиланадиган халқаро ҳуқуқ манбалари орасида Европа Кенгаши қабул қилган ҳужжатлар энг катта аҳамиятга эга, бу биринчи навбатда ўн битта баённомалар билан қўшимчалар киритилган Ҳуқуқлар ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш Европа конвенциясидир. Ҳозирда инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари бўйича европа стандартлари тўғрисида гап кетмоқда. Европа конвенцияси халқаро ҳуқуққа қатор муҳим янгиликларни киритди. У инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашдан ташқари, уларни ҳимоя қилиш механизмини ҳам белгилади.

Таълим соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Европа минтақасининг ҳамкорлиги самараси юқорироқдир. Таълим соҳасидаги Европа интеграцияси, таълим хизматлари бозорининг интернационализацияси йўналиши томон ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда таълим хизматлари бозорини интернационализациясининг стратегиясига доир асосий ғоялар қуйидагилар: олий таълим ва тадқиқотлар соҳасидаги халқаро рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш; европа олий таълимини куришда фаол иштирок этиш; таълим муассасаларининг халқаро таълим бозорига чиқиш учун имкониятларини кенгайтириш; мамлакатни халқаро таълимда ва таълим хизматларининг халқаро бозорида етакчи сифатида намоиш этиш; имкониятларни кенгайтириш; таълим тизимини ва тадқиқот инфраструктурасини ривожлантириш; таълимнинг трансчегаравийлиги.

Тадқиқотчи Болон жараёнини қарама-қаршилигини таъкидлаб ўтади: бепул олий таълим билан (таълим жамият равнақи учун) Европа бутун дунё учун ўта жозибадор бўлмоқда, бироқ бунинг нархи – рақобатли курашдан чиқиб кетиш; олий таълимни бепул олиш чекланганда Европанинг жозибадорлиги ва унинг маданияти пасаяди, холбуки у ўз рақобатбардошлигини бозор майдонида ошириши мумкин.

Параграф доирасида университетларнинг икки томонлама ва кўп томонлама илмий-педагогик кенг ҳамкорлиги, ўқитувчи ва талаблар алмашинуви, шу жумладан тузилган мақсадли миллатдан устун турадиган ЕИ дастурлари (COMETT, ERASMUS, LINGUA, SOCRATES ва бошқалар) кайд этилади.

Ўтказилган тадқиқот кўрсатишича, ҳозирда ЕИнинг турли дастурлари (масалан, ERASMUS, SOCRATES, TEMPUS), шунингдек Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатларнинг миллий ташкилотлари (OECD) (USAID, IREX, British Council, DAAD, CIDA, EduFrance ва х.к.) томонидан томонидан ташаббус қилинган лойиҳалар ҳаракатчанликни, интернационализация жараёнини ривожлантиришга ёрдам беради.

Параграф доирасида таълим интернационализацияси жараёни батафсил ўрганилган. Диссертант фикрига кўра, интернационализациянинг афзаллиги, олий таълим олиш имкониятининг ошиши, билимлар уйғунлашиши, сифатнинг халқаро стандартлари ва олий таълимнинг инновацион характери ривожланиши, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кенгайтиши ва мустақамланиши, академик ва талабалик ҳаракатчанлигининг фаоллашувидир. Бугунга кунда олий таълимни интернационализация жараёни, талабалик ва ўқитувчиларнинг ҳаракатланишидан ташқари дастурлар ва ўқув режаларининг ислоҳ қилинишини, тармоқлар ва уюшмалар орқали илмий-тадқиқот соҳадаги ҳамкорликни, чегарасиз равишда очиқ ва масофадан ўқитишни, институтларнинг минтақавий ва хорижий ҳамкорлигини, меҳнатнинг халқаро тақсимоти ва бошқа фаолият турларини ўз ичига олади.

Диссертант таъкидлашича, амалиётга кўра, кейинги йилларда интернационализациянинг институтлар ва дастурларни чегарадан ошиб ўтишдан иборат бўлган янги шакллари вужудга келган. Таълим хизматларининг халқаро етказиб бериш каби мазкур шакллари трансмиллий таълим деб номланган бўлиб, бунда таълим олувчилар диплом берадиган олий таълим муассасаси жойлашган мамлакатда бўлмайдилар.

Тадқиқот жараёнида, объектив жиҳатдан мавжуд бўлган таълимни интернационализацияси тенденциялари бошқариладиган жараёнга айланаётганлиги ҳақида фикр сурилмоқда. Халқаро олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожини биргаликдаги тадқиқот лойиҳаларини, талабалар ва ўқитувчилар учун алмашинув дастурлари, чет эл талабалари учун махсус дастурларни ташкил этиш имконини беради. Масалан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети томонидан амалга ошираётган лойиҳалар, жумладан, Жан Моне, Эрасмус Мундус, Горизонт 2020, жаҳоннинг турли ОТМлари, шунингдек Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилишга имкон беради.

Бобнинг *“Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро ҳамкорлигини ривожлаштириши”* номли учинчи параграфида бевосита таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро ҳамкорлигини ривожлаштириш ўрганилади.

Параграф доирасида таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама, жумладан БМТ, ЮНЕСКО, ХМТ билан халқаро ҳамкорлиги кўриб чиқилган.

Диссертантни таъкидлашича, таълим соҳасида Ўзбекистон томонидан БМТ билан ҳамкорлик, инсон ҳуқуқларига доир БМТнинг асосий ҳужжатларида, хусусан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда акс эттирилган таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш доирасида, шунингдек Барқарор ривожланиш Мақсадларидан (2016-2030) келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш доирасида амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама ҳамкорлиги ЮНЕСКО ва Халқаро меҳнат ташкилоти билан энг самарали кечмоқда.

Параграф доирасида таъкидланишича, инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири бўлган таълимга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида таълим соҳасида универсал, минтақавий ва икки томонлама даражадаги ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий асоси ва самарали ташкилий-ҳуқуқий механизми Ўзбекистонда вужудга келган ва ривожланмоқда. Таълим соҳасида ҳамкорликнинг механизмини такомиллаштириш мақсадида мазкур соҳада халқаро ва чет эл тажрибаси ўрганилишини кучайтириш зарур бўлади.

Диссертантнинг фикрига кўра, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига асосланган таълим тизимини тартибга солишга доир халқаро-ҳуқуқий институтларни тизимли ва давомли яқинлаштириш лозим бўлади. Мазкур йўналишда таълим соҳасида халқаро нормаларни имплементацияси орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарурдир. Бундай ҳолатда БМТнинг “XXI аср учун олий таълим тўғрисида: ёндашувлар ва амалий тадбирлар” (Париж ш., 1998 йил 9 октябрь) номли Бутунжаҳон декларациясига таяниш мумкин, чунки ундан келиб чиққан ҳолда таълим соҳасида миллат миқёсида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича устувор чораларни белгилаш мумкин ва бу Ўзбекистон Республикасини халқаро таълими ҳудудига киришига ёрдам беради.

Ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, Ўзбекистон олий таълим муассасалари биргаликдаги лойиҳалар доирасида Британия Кенгаши, Гёте номидаги институт, Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ), Корея ва Япония халқаро ҳамкорлик агентликлари (KOICA, JICA), Ўзбекистондаги Француз институти, Индия ва Малайзия техника ҳамкорлик дастурлари (МТСР, ИТЕС), БМТ, ВБ, АБР, ИБРни ривожлантириш дастурлари бўйича ҳамкорлик қилмоқдалар.

Диссертант, Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг бажараётган лойиҳалар ва дастурларни таҳлил этиб, улар мамлакатда олий таълимни ривожлантиришга, илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда ўқув-методик жараённи такомиллаштиришга, профессорк-ўқитувчилар таркиби малакасини оширишга, талабалар алмашинувини кенгайтиришга қаратилганлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон ОТМларининг Европа Иттифоқини Темпус, Эразмус Мундус, Корея ва Япония халқаро ҳамкорлик агентликлари (KOICA,

ЛСА)нинг таълим дастурларидаги фаол иштирокини алоҳида кўрсатиш лозим.

“Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини халқаро-ҳуқуқий нормалар асосида такомиллаштириш” номли бобда таълим соҳасида миллий қонунчилик ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, хорижий мамлакатлар тажрибалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш истиқболлари ўрганилган.

Бобнинг *“Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини халқаро ҳамкорлик бўйича ривожлантириш ва хорижий мамлакатларнинг тажрибаси”* номли биринчи параграфиди таълим соҳасида миллий қонунчилик базаси ўрганилган, мазкур базага Конституция, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастур ва юздан ортиқ қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек таълим соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг таълим масалалари халқаро ҳужжатлари хилма-хилдир. Мазкур манбалар сирасига Ўзбекистон иштирокидаги БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган декларациялар, конвенциялар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек таълимга оид Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномалари киради.

Диссертант томонидан таъкидланишича, таълим тизимида ҳар қандай аҳамиятли ўзгартиришларнинг мажбурий дастлабки шarti – бу тегишли норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш ва ўз вақтида киритишдир.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, таълим соҳасини модернизацияси ва ислоҳ қилиниши нафақат Европа қитъасида, балки дунёнинг барча минтақаларида, шу жумладан АҚШ ва Хитойда кузатилмоқда. Корея Республикаси, Сингапур ва бошқа “осиё йўлбарслари”нинг сўнгги йигирма йил ичида ниҳоятда зўр иқтисодий ривожланиши, биринчи навбатда, бош миллий устувор йўналиш сифатида кўрилаётган самарали таълим сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқлиги тан олинган. Глобаллашган рақобатли дунёнинг тез ўзгарадиган шартларига оптимал мослашиш талабларга мувофиқ ўз таълим тизимлари ислоҳ қилаётган ривожланган давлатларнинг турли хил тажрибасини ўрганиш, мамлакатда таълимни муваффақиятли ислоҳ қилиш учун зарурдир.

Диссертантни таъкидлашича, ўтган асрнинг иккинчи ярмида ва ХХI асрнинг биринчи йилларида таълим соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг таҳлили, турли мамлакатларнинг олий таълим тўғрисидаги миллий қонунчилигида анъанавий равишда университетларнинг автономияси ва академик эркинликларига оид нормалар эгаллайди.

Тадқиқот жараёнида университетларнинг автономияси ва академик эркинликлари ҳақидаги айрим олимларнинг (В.Насонкин, Г.Ткач, А.И.Галаган) фикрлари ҳамда бу борадаги мунозара таҳлил қилинганда, мазкур муаммо ОТМлари, таълим тадқиқотчилари, олий таълим бошқарув органлари деярли минг йиллик ривожланиш даврида дуч келаётган энг мураккаб, нозик ва кенг муҳокама қилинаётган муаммолардан бири эканлиги

маълум бўлади. Сўнгги икки аср ва айниқса ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб университетларнинг автономияси ва академик эркинликлар муаммолари университетнинг ижтимоий институт сифатида ривожланиш йўналишлари, унинг ташқи дунё билан алоқалари, давлат ва жамият билан ўзаро муносабатларига оид мунозараларнинг диққат марказида туради.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси, уларнинг таълим сиёсатининг йўналишлари ва устуворликлари таълим қонунчилигида энг ёрқин ва аниқ намоён бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими самарадорлигини оширишда амалий аҳамиятга эга бўлиши керак, чунки мамлакатимизнинг таълим тизими олдида замонавий шароитлар ва воқелик талабларига мослашиш бўйича қолдириб бўлмайдиган масалалар турибди. Бу янги воқелик таълим тизими ва бутун таълим ҳамжамиятининг тезкор ва муносиб равишда жавоб бериш заруриятини белгилаб беради. Мазкур талабларнинг мажмуи деярли ҳамма таълим даражаларини, унинг турлари ва шакллари, ички ва халқаро жиҳатларини тегиб ўтади.

Шу билан бирга, тадқиқотчининг фикри бўйича таълим соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини халқаро-ҳуқуқий нормаларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Бобнинг *“Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини халқаро стандартларга асосан такомиллаштириш истиқболлари”* номли иккинчи параграфида

Тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимини модернизациялар ва ўзгартириш бўйича мақсадли кенг қамровли фаолияти, ўқитишнинг замонавий шакллари ва технологияларни киритилиши, йўналишлар ва ихтисосликлар аниқ йўналтирилишини кучайтирилиши, мутахассисларни иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари талаби бўйича тайёрланиши ўрганилган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида халқаро ҳамкорликни ҳам кўп томонлама, халқаро ташкилотлар доирасида (БМТ, МДХ, ШХТ ва х.к.), ҳам икки томонлама асосда ривожлантириш бўлганлиги таъкидланган.

Тадқиқот доирасида, таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини халқаро-ҳуқуқий асослари ривожланаётганлигини исботловчи, бир қатор Осиё, МДХ, Марказий Осиё, араб ва Европа мамлакатлари билан тузилган келишувлар ўрганиб чиқилган.

Бундан ташқари, тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда барча даражаларда таълим тизимини ислоҳ этишга бўйича кўрилаётган чоралар ўрганилган ва таҳлил этилган.

Шунингдек, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини тубдан тузилмали ислоҳ этишга доир миллий ҳуқуқ асослари, шунингдек мактабгача таълимни тартибга солиш тизимида аҳамиятга эга халқаро ҳужжатларга алоҳида эътибор берилган.

Диссертантни таъкидлашича, мамлакат таълим тизимида кўрилаётган

чораларга қарамасдан, ўз ечимини кутаётган кўпгина муаммолар мавжуд. Айниқса мамлакат таълим тизимини халқаро таълим стандартларига мувофиқ ривожлантириш ва такомиллаштириш замон талаби бўлмоқда.

Мазкур соҳада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили, мамлакатни таълим соҳасида ҳуқуқий базани такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиб беради:

1. Таълим соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш;
2. Таълим соҳасида моддий-техника базасини такомиллаштириш: таълим тизимига ахборотлаштириш ва АКТ ни жорий этиш; кутубхона ишини ва ахборот-ресурс базасини ривожлантириш;
3. Таълим муассасаларида кадрлар сифатини ошириш: илмий кадрлар аттестация тизимини такомиллаштириш; таълим тизими сифатини ошириш йўналиши сифатида хорижий тилларга ўргатиш; таълим тизими сифатини оширишдаги зарур шарт сифатида АКТга ўргатиш; илмий ва таълим муассасаларида кадрларни рағбатлантириш.
4. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш: халқаро ташкилотлар доирасида; икки томонлама асосда.

Таълим соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг параграф доирасида ўрганиш ва таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг катта қисми илмий ва илмий-педагогик кадрлар, аттестация тизимини такомиллаштириш, ОТМ кейинги таълим тизими, фан доктори илмий даражасини бериш, шунингдек малака имтихонларни ўтказиш тартибига оид қабул қилинган ва қилинмоқда.

Шунингдек, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигини таҳлили, таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертант томонидан тадқиқотда аниқланишича, олий таълим тизимида етакчи хорижий тармоқ илмий-таълим муассасалар билан яқиндан шериклик муносабатларни ўрнатиш, ўқиш жараёнига етакчи халқаро тажрибасини, айниқса мазкур муассасаларда истиқболли педагоглар ва илмий кадрларни стажировкаси ва малакасини ошириш орқали кенг татбиқ этиш ишлари талаб даражасида олиб борилмаяпти.

Тадқиқот жараёнида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, халқаро стандартлар даражасидаги олий таълимга эга мутахассисларни тайёрлаш учун зарур шароитларни таъминлаш бўйича устувор вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш мазмунини қайта кўриб чиқиш мақсадларида Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Хулоса

Тадқиқот олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда тадқиқот объекти бўлган халқаро-ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш ва таққослов-ҳуқуқий таҳлили натижасида аниқланган мақсадларга эришиш жараёнида, қуйидаги илмий асосланган хулоса, таклиф ва тавсиялар илгари сурилди:

1. Амалиётдан кўринишича, таълим соҳасида давлатлар ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади ва ривожланади:

биринчи йўналиш - таълим соҳасида халқаро алмашинуви, авваламбор, шахслар алмашинуви амалга оширилиши;

иккинчи йўналиш – биргаликдаги фаолият ҳамкорликни ташкил этади;

учинчи йўналиш – чет эл талабаларини ўқитиш ёки хорижий давлатнинг илмий-педагогик кадрларни малакасини ошириш бўйича давлат бюджети ҳисобидан бир томонлама мажбуриятларни амалга ошириш;

тўртинчи йўналиш – таълимга оид ҳужжатларни ўзаро тан олиш;

бешинчи йўналиш – таълим хизматларининг халқаро савдоси.

2. Таълим соҳасида давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги қуйидаги – институционал ва шартномавий шаклларда амалга оширилади. Ҳамкорликнинг институционал шакли ҳам халқаро ташкилотлар доирасида, ҳам халқаро органлардан фойдаланган ҳолда, шунингдек халқаро конференцияларни ўтказиш йўли орқали амалга оширилади. **Шартномавий шаклда амалга оширилаётган муносабатлар, ўз навбатида, икки томонлама ва кўп томонламага бўлинади.**

3. Даражасига кўра, таълим соҳасида давлатлараро муносабатлар универсал, минтақалараро, минтақавий ва субминтақавийга бўлинади:

универсал давлатлараро муносабатлар БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, жумладан ЮНЕСКО, ХМТ, шунингдек жамғарма ва дастурлар доирасида амалга оширилади;

минтақалараро давлатлараро муносабатлар ЕХХТ (ОБСЕ) каби минтақалараро ташкилотлар доирасида амалга оширилади;

минтақавий давлатлараро муносабатлар, Европа Кенгаши, Америка давлатлари ташкилоти, Африка бирдамлиги ташкилоти каби минтақавий халқаро ташкилотлар доирасида амалга оширилади;

субминтақавий давлатлараро муносабатлар, ЕИ, МДХ, АДЛ, ШХТ, ИХТ каби минтақавий халқаро ташкилотлар доирасида амалга оширилади.

4. Таълим соҳасида давлатларнинг халқаро ҳамкорлигига оид тушунчалар аппаратини таҳлили натижасига кўра, илмий адабиёт ва халқаро ҳужжатларда таълим соҳасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорликнинг аниқ белгиланган тушунчаси йўқлиги ҳақида хулоса қилинади.

Халқаро ҳуқуқда мавжуд халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг умумий тушунчасидан келиб чиқиб, қуйидаги муаллифлик тушунчаси таклиф этилади.

Таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик – бу халқаро нормалар, БМТ, ЮНЕСКО ва бошқаларнинг халқаро дастурлари, турли жамғармалар амалга ошираётган таълим дастурлари ва лойиҳалари доирасида, давлатлар, халқаро ташкилотларнинг инсонни таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, замонавий таълим стандартларини татбиқ этиш орқали

таълим тизимларининг сифатини ва самарадорлигини ошириш, модернизациялаш, академик доиралар ва талабларнинг мобиллиги ҳамда халқаро таълим бозорини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни уйғунлаштиришга қаратилган, халқаро ҳуқуқнинг тўлиқ ва чекланган ҳуқуқли субъектларининг халқаро фаолиятидир. Яъни, ҳозирда халқаро таълим ҳуқуқи тармоғининг шаклланиши жараёни давом этмоқда.

5. XX асрнинг иккинчи ярмида ва XXI асрнинг бошида таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликка халқаро ҳуқуқнинг таъсири кенгаяди. Ҳозирги пайтда қуйидагилар шаклланган: таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий асослар ва давлатлараро ҳамкорлик механизмлари; ҳамкорликнинг универсал, минтақавий ва икки томонлама даражалари; халқаро ташкилотларнинг тартибга солиш, мувофиқлаштирувчи ва ҳимояловчи функциялари доимий асосда кучаяпти ва такомиллашяпти; таълим соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳамкорлик объектлари кенгаяпти; ягона таълим ҳудуди шаклланаёпти.

6. Халқаро институционал тизим фаолияти ривожланишини ўрганиш шуни кўрсатадики, гарчи БМТ давлатлар фаолиятининг барча турлари бўйича асосий универсал орган бўлсада, таълим соҳасида давлатлар фаолиятини мувофиқлаштириш асосан ЮНЕСКОга тегишлидир.

7. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ўрганиб ва олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қуйидагиларни таъминлаш зарур:

- ОТМлари профессор-ўқитувчилик таркиби малакасини чет эл ОТМларида доимий равишда ошириб бориш;

- янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва таълимнинг турли йўналишлари бўйича замонавий ўқув-методик адабиётини регуляр тартибда яратиш бориш;

- ОТМларнинг профессор-ўқитувчилик таркибини хорижий илмий-амалий семинар, симпозиум ва конференцияларда кенг иштирок этиши;

- республика ОТМлари профессор-ўқитувчилик таркиби ва талабаларининг чет эл алмашинув дастурлари ва тренингларида иштирок этиши;

- таълим жараёнини такомиллаштириш ва тажриба алмашиш мақсадида хорижий ўқитувчи ва профессорларни республика ОТМларида ишлаш учун регуляр тартибда таклиф этиш.

8. Таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик ривожланишинида қуйидаги замонавий тенденциялар аниқланди: олий таълим оммалашиб кенгайиб бормоқда; мактаб ва мактабгача таълим соҳасида таълим олиш ҳуқуқини таъминланганлиги; олий таълимни институционал шакллар, даражалар ва мазмуни бўйича диверсификацияси; таълим мазмунининг универсализацияси; олий таълимнинг интернационализацияси; катта ёшларга сифатли таълим, бутун ҳаёти давомида таълим олиш ҳуқуқи таъминланиши.

9. Таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий нормаларининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатади, яъни: универсал халқаро-ҳуқуқий нормалар таълим

соҳасидаги ҳамкорликда универсаллиги билан ажралиб туради, ушбу нормалар барча давлатларнинг манфаатларини қамраб олади; улар халқаро ҳамжамият ва ҳар бир давлатнинг замонавий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда тезкорлик билан ривожланади; ушбу нормалар таълимга бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар сифатида мажбурий кучга, таълим соҳасидаги халқаро стандартлар сифатида эса тавсиявий кучга эга; Таълим бўйича глобал конвенцияни ишлаб чиқиш зарурати вужудга келган. У эса, фикримизча, қуйидаги масалаларни қамраб олиши керак: малакаларни автоматик равишда тан олиш инструментини эмас, балки тан олишга оид тасдиқланган принцип ва таомилларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш инструментини; олий таълим соҳасининг бутунлигича, бунда анъанавий техник ва касбий таълим ҳамда тайёргарлик жиҳатлари киритилиши кўзда тутилмайди; касбга эга бўлиш учун тан олишни тартибга солиш масаласи глобал конвенциянинг вазифалариги кирмайди; олий таълимда сифатни таъминлаш масаласи кўриб чиқилмайди; минтақалараро ҳамкорликни тартибга солиш ва тан олишга доир самарали фаолият кўрсатаётган минтақавий конвенциялар ёки икки томонлама келишувларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилмайди; мобиллик тўғрисида мамлакатлар ёки ОТМлар ўртасида икки томонлама келишувлар таъсир доирасига тегмайди ёки тўсқинлик қилмайди; уни ратификация қилиш имконияти ёки хоҳиши йўқ мамлакатлар учун ёпиқ бўлмайди.

10. *Таълим масалалари бўйича халқаро минтақавий ташкилотлар ваколати у ёки бу минтақанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқдир.* Жумладан, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари ташкилотларининг асосий мақсади –қашшоқликка қарши кураш ва турмуш даражасини кўтариш борасидаги энг муҳим восита сифатида таълимни ривожлантиришдир. Европа давлатлари томонидан тузилган ташкилотлар эса бошқа мақсадларни, жумладан тажриба ва билимлар алмашинуви, умумий маданий меросни сақлаб қолиш, тилларни тарқатиш кабиларни кўзлайди. Маданий экспансияни бош кечираётган ва маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш билан овора бўлган минтақалар, ташкилотлари олдида тегишли ҳимоялаш мақсадларини қўяди.

11. *Болонья жараёни – давлатлар ҳамкорлиги шаклларида бири, яъни – таълим соҳасидаги сиёсатни мувофиқлаштиришидир.* Шу билан бирга Болонья декларацияси 1997 йилда қабул қилинган, Европа минтақасида малакаларни тан олиш ҳақидаги Лиссабон конвенцияси билан биргаликда *Европа минтақасида принципиал жиҳатдан янги, замон талабларига жавоб берадиган таълим тизимини қуриш учун муҳим сиёсий-ҳуқуқий асос бўлиб қолган.*

12. *XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошида таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликка халқаро ҳуқуқнинг таъсири кенгайди. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда қуйидагилар шакланган:* таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий асослар ва давлатлараро ҳамкорлик механизмлари; ҳамкорликнинг универсал, минтақавий ва икки томонлама даражалари; халқаро ташкилотларнинг тартибга солиш, мувофиқлаштирувчи ва ҳимояловчи функциялари доимий

асосда кучаяпти ва такомиллашяпти; таълим соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳамкорлик объектлари кенгаяпти; ягона таълим ҳудуди шаклланапти.

13. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича ЮНЕСКО фаолиятининг таҳлили, ЮНЕСКО соҳаларининг, шу жумлалан таълим соҳасида халқаро муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ соҳаларининг кенгайиши умумий тенденциясини кўрсатади. Агарда бошланғич босқичда асосий вазифа сифатида, таълим ва маданият соҳасида халқлар ўртасида алоқалар ривожланишини таъминлашга қаратилган халқаро биргаликдаги ҳаракатлар, тинчликни кафолатлаш учун кўпроқ ўзаро тушуниш ва ўзаро ҳаракатланишга ёрдам бериш эътироф этилса, кейинчалик ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва дискриминациянинг турли шакллари билан курашишга қаратилган дастурларини аҳамияти ошиб бормоқда.

14. *Бугунги кунда ЮНЕСКО учта асосий йўналишлар бўйича ривожланмоқда:* биринчиси нормаларни яратиш фаолияти ва таълим соҳасида миллий сиёсат масалалари бўйича тадқиқотларни амалга ошириш; иккинчиси таълим инфраструктурасини миллий миқёсда мустаҳкамлаш: ўқитувчилар тайёрланишини ривожлантириш, таълим жараёнини такомиллаштириш учун маҳаллий ресурслардан фойдаланиш; учинчиси – ахборот алмашиш: ихтисослашган маълумотномалар, бюллетенларни тарқатиш ва х.к.

15. Халқаро меҳнат ташкилоти айрим ҳолатларда БМТнинг ихтисослашган ташкилоти сифатида профессионал таълим олиш билан ёки таълим муассасалари ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш боғлиқ бўлган таълим масалаларига оид нормаларни қабул қилади.

16. Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ўрганиб ва олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қуйидагиларни таъминлаш зарур: ОТМлари профессор-ўқитувчилик таркиби малакасини чет эл ОТМларида доимий равишда ошириб бориш; янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва таълимнинг турли йўналишлари бўйича замонавий ўқув-методик адабиётини регуляр тартибда яратиш бориш; ОТМларнинг профессор-ўқитувчилик таркибини хорижий илмий-амалий семинар, симпозиум ва конференцияларда кенг иштирок этиши; республика ОТМлари профессор-ўқитувчилик таркиби ва талабаларининг чет эл алмашинув дастурлари ва тренингларида иштирок этиши; таълим жараёнини такомиллаштириш ва тажриба алмашиш мақсадида хорижий ўқитувчи ва профессорларни республика ОТМларида ишлаш учун регуляр тартибда таклиф этиш.

Мазкур хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги амалий таклифлар ва тавсиялар илгари сурилади:

1. Таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини янада такомиллаштиришни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасида таълимни кейинги ривожланиш Концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

2. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги миллий қонунчилигини такомиллаштириш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси

“Таълим тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш:

1) “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг тушунчалар аппаратида бағишлаган алоҳида модда билан тўлдириш;

2) Қонунни *“Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлиги”* номли алоҳида боб билан тўлдириш (3-сонли иловага қаралсин).

3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги Лиссабон конвенциясига қўшилиши, бу мамлакат учун Европа таълим бозорига киришга қўл келади.

4. Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризациядан ўтказиш, бу камчиликларни аниқлашга, шунингдек таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий базасини ривожлантириш истиқболларини белгилашда ёрдам беради.

5. Халқаро шартномаларга кирмайдиган ОТМлараро халқаро келишувларининг сифати, самарадорлиги натижаларини ва баҳоланишини, шунингдек юридик кучи масаласини ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу муносабат билан мазкур келишувларни амалга ошириш ва самарадорлигини ўрганиш зарур.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги тизимида, педагог ходимлар ва раҳбар кадрлар малакасини ошириш тизимида “Халқаро таълим ҳуқуқи” ўқув дисциплинасини киритиш.

7. Мамлакат ОТМларини дунёнинг 1000 та энг яхши ОТМлар рўйхатига киритилиши бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш.

8. ОТМларнинг автономлиги ҳамда талабалар ва профессор-ўқитувчи таркибнинг мобиллигини кучайтириш.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 AT THE UNIVERSITY OF WORLD
ECONOMY AND DIPLOMACY**

UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY

TURSUNOVA MADINA ULUGBEKOVNA

**IMPROVEMENT OF INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE SPHERE OF EDUCATION**

12.00.10 – International law

**ABSTRACT OF DISSERTATION
of the Doctor of Philosophy(PhD) on Science in law**

Tashkent – 2018

The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with number B2017.2.DSc/Yu50

The dissertation is prepared at the University of World Economy and Diplomacy.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) on the website of the Academic Council (www.uwed.uz) and information-educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor: **Khamedov Isa Akhlimanovich**
Doctor of Science in Law, Professor

Official opponents: **Ismailov Bahadir Islamovich**
Doctor of Science in Law

Ergashev Vosid Yakubovich
Doctor of Philosophy in Law, Associate
Professor

The leading organization: **The Academy of Public Administration
under the President of the Republic of
Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held _____ «____», 2018 at _____ at the session of the Academic Council DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 at the University of World Economy and Diplomacy (Address: 100077, Tashkent city, Mustakillik str., 54. “B” building, room №103).
Phone: _____ (99871)
267-67-69, fax: (998971) 267-09-00; e-mail: rektorat@uwed.uz.

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Center of the University World of Economy and Diplomacy (registered No. ____), (address: 100077, Tashkent city, Mustakillik str., 54. Phone: (99871) 267-67-69,).

Abstract of the dissertation was circulated on _____ «____», 2018.
(Registry protocol № ____ of _____ «____», 2018).

R.F.Farmanov
Deputy Chairman of the Scientific
Council for awarding scientific degrees,
Doctor of Science in history, Professor

N.A.Nugmanov
Secretary of the Scientific Council
awarding scientific degrees,
Doctor of Philosophy in Law, Associate
Professor

B.N.Toshev
Chairman of the Scientific Seminar under
the Scientific Council awarding scientific
degrees, Doctor of Science in Law, Professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The aim of the research is to develop scientifically based proposals and recommendations on their improvement and development based on a comprehensive study of international legal issues of cooperation in the field of education of the Republic of Uzbekistan.

Objectives of the research is the international legal relations of states in the sphere of international cooperation in education.

Scientific novelty of the research includes the followings:

on the basis of existing theories and doctrines of international law development of the author's definition of the concept "International legal cooperation in the field of education";

determination of the periodization and trends in the development of international legal regulation of state cooperation in the field of education;

theoretical justification of the formation of a new branch of international educational law in the system of modern international law;

the formulation of special principles governing cooperation in the field of education and the disclosure of their normative content;

the identification of the specifics of the contractual form of cooperation between states, as well as the specifics of the implementation of international standards in the field of education;

the identification and justification of the long-term development prospects of the national model of education by harmonizing it with modern advanced models and trends in the development of education in the world and on their basis the development of the Concept for the Development of Education of the Republic of Uzbekistan;

developing science-based proposals for improving the institutional and legal framework in the field of international cooperation in the field of education.

Implementation of the results of the dissertation research.

On the basis of results of researching international legal cooperation of the Republic of Uzbekistan in the sphere of education introduced following:

proposal on the need for detailed regulation of issues of international cooperation in the field of education, in this regard, the addition of the Law "On Education" of the Republic of Uzbekistan with the special V chapter "International Cooperation" articles 30, 31, 32 and 33 (Act of the Institute of Legislation and Parliamentary Studies under the Oliy Majlis Of the Republic of Uzbekistan No. 01 / 1-215 of 23 April 2018). This proposal contributed to the improvement of the legal framework for international cooperation of the Republic of Uzbekistan in the field of education;

proposal for the introduction of the course "International Education Law" in the courses of continuing education of teaching staff in the system of the Main Scientific and Methodological Center for the Organization of Retraining and Advanced Training of Pedagogical and Management Personnel of the Higher Education System under the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan (Act of the Ministry of Higher and Middle Special Education

of the Republic of Uzbekistan No. 87-03-1023 of March 16, 2018). This proposal has contributed to raising the level of knowledge in the field of international educational standards and mechanisms for international cooperation between pedagogical and managerial staff of the higher education system under the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan and further improvement of international cooperation by educational institutions of the Republic of Uzbekistan;

conclusions and proposals for improving international cooperation of the Republic of Uzbekistan in the field of education (Act of the Military Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan No. 22 / 1-1735 of April 19, 2018). These conclusions and proposals contributed to the improvement of the teaching process in the teaching of the disciplines "International Law", "Theory of State and Law", and also used in the development of regulatory legal documents on the organization of the educational process.

Structure and scope of the dissertation.

The work consists of an introduction, four chapters consisting of 11 paragraphs, conclusion, list of literature and applications, the volume is 150 pages (without applications and literature).

Список опубликованных работ
Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works

I часть (I бўлим; I part)

1. Турсунова М.У. Особенности развития международно-правового сотрудничества в сфере образования (факторы, цели, направления и формы). Общественное мнение. Права человека №4. 2015. -С.77-80.
2. Турсунова М.У. Международно-правовое сотрудничество в сфере образования: основные документы и механизмы. Демократизация и права человека. № 4(68). 2015. -С.108-111.
3. Турсунова М.У. Международно-правовое регулирование сотрудничества в сфере высшего образования. Жамият ва бошқарув. №4. 2016. -С.84-91.
4. Турсунова М.У. Правове основы международного сотрудничества в сфере высшего образования. Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха. №2. 2017. -С.129-132.
5. Tursunova M.U. International legal framework for regulation of science and education the Republic of Uzbekistan. Theoretical and Applied Science. № 04 (48) 2017. Philadelphia, USA. -P.161-165.
6. Tursunova M.U. The role of international law on the improvement of legal education in the Republic of Uzbekistan at the present stage. European Journal of Research. №6 (6) 2017. Vienna, Austria. -P.58-68.

II часть (II бўлим; II part)

1. Турсунова М.У. Международно-правовое сотрудничество в сфере образования: основные документы. Материалы Республиканской научно-практической конференции на тему: “Актуальные проблемы международного права: вопросы теории и практики” 30 сентября 2015 г. УМЭД. –Т.: УМЭД, -С. 203-208.
2. Турсунова М.У. Развитие международного сотрудничества в сфере высшего образования. Материалы Республиканской научно-практической конференции на тему: «Актуальные вопросы международных отношений: политика, экономика и право» 18 ноября 2015 г. –Т.: УМЭД, -С.10-14.
3. Турсунова М.У. Развитие международного сотрудничества в сфере высшего образования. “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон таълим

тизими: ислохотлар, ютуқлар ва истикболлар” мавзусидаги Республика илмий амалий конференция материаллари 22.09.2016 й. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети. –Т.: -С.262-266.

4. Турсунова М.У. Некоторые вопросы совершенствования международного сотрудничества Республики Узбекистан в сфере образования. “VI Международная научно-практическая конференция “Научные исследования: ключевые проблемы II тысячелетия”. “Научные исследования”. №6(7).2016. С.30-34.
5. Турсунова М.У., Мируктамова Ф. О системе образования в Узбекистане. «Современные достижения науки – важный фактор развития (на примере юридической науки)» сборник материалов Республиканской научно-практической конференции 10 февраля 2017 год, г. Ташкент. ТГЮУ. -С.164-169.
6. Турсунова М.У., Юлдашева Г. Роль юридической науки и образования по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. «Современные достижения науки – важный фактор развития (на примере юридической науки)» сборник материалов Республиканской научно-практической конференции 10 февраля 2017 год, г. Ташкент. ТГЮУ. -С. 44-51.
7. Турсунова М.У. Современные задачи по обеспечению конституционного права на образование в Республике Узбекистан. Материалы Республиканской научно-практической конференции на тему: «Конституция Республики Узбекистан и международное право» 18 ноября 2017 г. –Т.: УМЭД. -С.167-171.

Босишга рухсат этилди: 30.04.2018. Шартли босма табоғи 2,75

Қоғоз бичими 80x641/16. Times New Roman гарнитураси.

Адади 100. Буюртма № 64

Top Image Media босмахонасида босилди.